

Builders of The Future


BUILDERS OF THE FUTURE

journal homepage:
<https://kelajakbunyodkori.uz/>

LEGAL REGULATION AND ISSUES OF PROSECUTORIAL SUPERVISION OVER THE IMPLEMENTATION OF LEGISLATION ON AGRICULTURAL ENTERPRISES

Nuriddin Urunbaev

Master's student

Academy of the Law Enforcement Agencies

Tashkent, Uzbekistan

ABOUT ARTICLE

Key words: agriculture, prosecutor's supervision, subject, object, legal regulation, organizational and legal bases, regulatory legal acts.

Received: 28.02.25

Accepted: 02.03.25

Published: 04.03.25

Abstract: This article discusses the issues of the object, subject and legal regulation of prosecutorial supervision of the implementation of legislation in the field of agriculture.

ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИГА ОИД ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ ИЖРОСИ УСТИДАН ПРОКУРОР НАЗОРАТИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИНИШИ ВА МУАММОЛАРИ

Нуриддин Урунбаев

Магистратура талабаси

Хуқуқни муҳофаза қилиши академияси магистратураси

Тошкент, Ўзбекистон

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: фермер хўжалиги, прокурор назорати, предмет, объект, тартибга солиниши масалалари, ташкилий - хуқуқий асослари, қонун ҳужжатлари.

Аннотация: ушбу мақолада фермер прокурор назоратининг обьекти, предмети ва хуқуқий тартибга солиниши масалалари ёритилган.

ПРАВОВОЕ РЕГУЛИРОВАНИЕ И ПРОБЛЕМЫ ПРОКУРОРСКОГО НАДЗОРА ЗА ИСПОЛНЕНИЕМ ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВА В ОТНОШЕНИИ СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННЫХ ПРЕДПРИЯТИЙ

Нуриддин Урунбаев

Магистрант

Академии правоохранительных органов

Ташкент, Узбекистан

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: сельское хозяйство, прокурорский надзор, предмет, объект, правовое регулирование, организационно-правовые основы, нормативно-правовые акты.

Аннотация: В статье рассматриваются вопросы объекта, предмета и правового регулирования прокурорского надзора за исполнением законодательства в области сельского хозяйства.

Фермер хўжалигига оид қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратини ўрнатишда ушбу соҳани тартибга солувчи ҳуқуқий хужжатлар мухим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикасида фермерлик харакатига 2004 йилдан оммавий равишида бошланганлиги боис асосий ҳуқуқий хужжатлар ушбу йилдан кейин қабул қилина бошлади.

Мустақиллик йилларида республикамида фермер хўжаликларига оид 137 та (*шуңдан 3 та Қонун, 105 та қарор, 7 та Фармон, 1 та Фармойиш, 4 та тартиб, 1 та қоида, 12 та буйруқ*) норматив ҳуқуқий хужжатлар қабул қилинган.

Фермер хўжалигига оид қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратининг ҳуқуқий асосларига тўхталашибган бўлсак, аввало бу борада Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 августдаги “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуни мухим ўрин тутади. Мазкур Қонуннинг 4-моддасига кўра, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга қаратилган қонунлар ижроси устидан назорат қилиш прокуратура органлари фаолиятининг асосий йўналишларидан ҳисобланади. Шунингдек, ушбу Қонуннинг 24-моддасига мувофиқ, “фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига риоя қилиниши устидан назорат предмети вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхона ва муассасалар, ташкилотлар ҳамда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг ҳарбий қисмлари, ҳарбий тузилмалари, ҳокимлар ва бошқа мансабдор шахслар томонидан фуқароларнинг ҳуқуқлари ҳамда эркинликларига риоя этишидир”.

Шундай қилиб, фермер хўжалигига оид қонунчилик ижроси устидан **прокурор назоратининг ҳуқуқий асоси** прокурор назоратининг амалга оширилишини таъминлайдиган, унинг фаолиятини ташкил этиш ва фаолиятининг тартибларини белгиловчи, қонун хужжатларига риоя этилиши устидан назорат субъектларининг ваколатларини тартибга солувчи ҳамда фуқароларнинг соғлиқни сақлашга бўлган ҳуқуқлари ва уни амалга ошириш учун зарур шарт-шароитлар, жумладан, фуқароларнинг соғлиқни сақлашга бўлган ҳуқуқларига риоя қилиш механизми ва кафолатларини, прокурор назорати объектларининг ваколатлари ва жавобгарлигини белгиловчи ҳуқуқий хужжатлар мажмуи ҳисобланади.

Қонунлар ижроси устидан прокурор назоратини ҳуқуқий асосларини белгилашда олимлар икки йўналишга бўлинган.

Биринчи гуруҳ олимлар қонунлар ижроси устидан прокурор назоратини ҳуқуқий тартибга солиш асоси факатгина Конституция ва “Прокуратура тўғрисида”ги Қонун деб

хисоблашса, иккинчи гурух олимлар норматив ҳуқуқий тусдаги қонуности хужжатлари, Бош прокурор буйруқларини ҳам прокурор назоратини тартибга солувчи ҳуқуқий асос сифатида белгилайди.

Назаримизда биринчи гурух олимлари фикри билан келишиб бўлмайди, чункифермер хўжаликларига оид қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратининг ҳуқуқий асослари норматив - ҳуқуқий тусдаги бошқа хужжатларда ҳам ўз аксини топган десак муболага бўлмайди.

Ўзбекистон Республикасида фермер хўжалигига оид қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратининг ҳуқуқий асосларини назарий жиҳатдан икки туркумга, яъни умумий ва маҳсус қонун хужжатларига бўлиб ўрганиш мумкин.

Фермер хўжалигига оид қонунчилик ижросини тартибга солувчи умумий қонун хужжатлари туркумига Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси, Ер кодекси, Солик кодекси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қишлоқ хўжалигида эркин бозор муносабатларини янада ривожлантиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони (2023), “Ёшларга ер ажратиш орқали уларнинг даромадларини ошириш ва бандлигини таъминлаш, шунингдек, янги ер майдонларини ўзлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори (2024), “Фалла етиштириш ва сотишда эркин рақобатни таъминлайдиган бозор тамойилларини жорий этиш тўғрисида”ги Қарори (2021) кабиларни киритиш мумкин.

Фермер хўжалигига оид қонун хужжатлари ижросини тартибга солувчи маҳсус қонун хужжатларига эса “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги Қонун (2004), “Фалла етиштирувчи фермер хўжаликларининг молиявий барқарорлигини таъминлаш тўғрисида”ги Қонун (2019), “Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари фаолиятини янада ривожлантириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори (2017), “Фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари фаолиятини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори (2018), Вазирлар Маҳкамасининг “Фермер хўжаликларини юритиш учун берилган ер участкалари майдонларини мақбуллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги (2015), “Фермер хўжаликларининг ер участкаларидан янада самарали фойдаланиш ва қўшимча даромад олишни ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори (2018) кабиларни санаш мумкин.

Юридик адабиётларда “фермер хўжалигига оид қонун хужжатларини ижро қилиш устидан прокурор назоратининг ҳуқуқий асосларини уни тартибга солиш предметига қараб, қуидаги гурухга ажратиш таклиф қилинади:

1) Фермер хўжалигига оид қонунчилик ижроси устидан назорат қилувчи субъектларининг фаолиятини, ваколатларини ташкил этувчи ва тартибга солувчи хукукий хужжатлар мажмуюи.

Мазкур хукукий хужжатларга бевосита прокуратура органларининг фаолиятини, ваколатларини ташкил этувчи ва тартибга солувчи Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунини киритиш мумкин.

2) Фермерларнинг хукуқларига риоя қилиш механизми ва кафолатларини, прокурор назорати обьектларининг ваколатлари ва жавобгарлигини тартибга солувчи норматив-хукукий хужжатлар мажмуюи”.

Ушбу гурухга мансуб меъёрий хужжатлар прокуратура фаолиятини бевосита тартибга солмайди, лекин уни амалга ошириш учун асосий аҳамиятга эга бўлган қоидаларни ўз ичига олади. Булар, биринчи навбатда, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг инсон ва фуқароларнинг хукуқлари ва эркинликларга оид нормалари, инсон ва фуқаронинг хукуқларга риоя қилмаганлик учун жавобгарликни белгиловчи (жиноят-хукукий, маъмурий-хукукий ва бошқалар) қонун хужжатлари нормалари ва бошқалар.

Ушбу норматив-хукукий хужжатлар прокурор назоратини амалга ошириш учун зарур шарт-шароитларни яратади.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг 2023 йил 8 августдаги “Норматив-хукукий хужжатлар тўғрисида”ги Қонуни 6-моддаси талабларидан келиб чиқиб, прокурор назоратининг хукукий асосларини қўйидаги турларга ажратиш мумкин: Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси; Ўзбекистон Республикасининг қонунлари; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари; Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорлари; Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари; Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурорининг буйруқлари ҳамда қарорлари.

Прокурор назоратининг хукукий асослари ўзига хос хусусият касб этиши муносабати билан унинг турларига вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг буйруқлари ҳамда қарорлари ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорларини киритиш мақсадга мувофиқ бўлмайди. Зоро, Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунининг “Прокуратура органлари фаолиятининг хукукий асослари” деб номланган 3-моддасига кўра, прокуратура органларини ташкил этиш ва уларнинг фаолият юритиш тартиби, шунингдек уларнинг ваколатлари Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, ушбу Қонун ва бошқа қонунчилик хужжатлари билан белгиланади.

Фермер хўжалигига оид қонун хужжатлари ижроси устидан прокурор назоратининг хукукий асоси сифатида Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2017 йил 7 ноябрдаги

“Қишлоқ хўжалиги соҳасида қонунчилик ижроси устидан назорат самарадорлигини янада ошириш тўғрисида”ти 160-сонли буйруғини таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, унда фермер, дехқон, чорва хўжаликларининг, шунингдек, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва қайта ишлаш соҳасидаги хўжалик юритувчи субъектларнинг тадбиркорлик фаолиятини ҳар томонлама хуқукий қўллаб-куватлаш, уларнинг хуқуқлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга оид масалалар ёритилган. Масалан, буйруқда фермер, дехқон, чорва хўжаликлари ва бошқа қишлоқ хўжалиги соҳасида фаолият юритувчи тадбиркорлик субъектларининг бузилган хуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини амалда тикланиши таъминланганлиги, ер участкаларини фермер хўжаликларига узоқ муддатли ижарага бериш бўйича танлов ўtkазиш қоидаларига риоя этилганлиги мазкур соҳадаги фаолиятни баҳолашнинг асосий мезонлари этиб белгиланган:

Бироқ, сўнгги йилларда фермер хўжаликларига оид қонунчилик такомиллаштирилиши муносабати билан мазкур буйруққа айрим ўзгартишларни киритиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Мисол учун, буйруқнинг 3.2-бандида ҳокимларнинг ер ажратиш ва ерларни олиб қўйиш ҳақидаги қарорлари вилоят ҳокимликлари ва Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг тегишли комиссияларида ҳисобга қўйилганлиги, ер ижара шартномаси тузилиши ва бекор қилинишининг қонунийлиги, қишлоқ хўжалиги ер майдонларини муомаладан чиқариш ҳақидаги ҳокимларнинг қарор ва фармойишлари мунтазам равища ўрганиб бориш белгиланган.

Ваҳоланки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 8 июндаги “Ер муносабатларида тенглик ва шаффофликни таъминлаш, ерга бўлган хуқуқларни ишончли ҳимоя қилиш ва уларни бозор активига айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ти ПФ-6243-сон Фармони 4-бандида маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ер муносабатлари юзасидан қарор, фармойиш ёки бошқа турдаги ҳужжат қабул қилиш хуқуқи 2021 йил 1 авгуустдан бекор қилиниб, 2-бандига асосан қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар барча турдаги қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари иштирок эта оладиган электрон онлайн аукцион якунларига кўра, фақат ижара хуқуқи асосида ажратилиши белгиланган.

Ёки, Ер кодексининг 34-моддасидан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқиш комиссиялари чиқариб юборилиб, тугатилган.

Шу боис, келгусида Буйруқнинг 3.2-бандини қуидаги мазмунда ўзгартиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

“Дехқон, фермер хўжаликларига ер ажратиш борасида электрон онлайн аукционларнинг ўтказилиши қонунийлиги, ҳокимларнинг ер ижара шартномаси тузилиши ва бекор

қилинишининг қонунийлиги, қишлоқ хўжалиги ер майдонларини муомаладан чиқариш ҳақидаги ҳокимларнинг қарор ва фармойишлари қонунийлиги мунтазам равишда ўрганиб борилсин”.

Прокурор назоратининг хукукий асослари ҳакида гапирап эканмиз, прокурор назоратининг ушбу асослари қаторига Ўзбекистон Республика-сининг халқаро шартномаларини киритиш мумкинми, деган ҳақли савол туғилади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 15-моддасига мувофиқ агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг қонунида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаси қоидалари қўлланилади.

Шунингдек, 2001 йил 29 августдаги “Прокуратура тўғрисида”ти қонуннинг 3-моддаси мазмунидан кўринадики, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғридан-тўғри прокуратура органлари фаолиятининг хукукий асослари сифатида кўрсатилмаган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг “Норматив-хукукий ҳужжатлар тўғрисида”ти Қонуни

6-моддасида ҳам Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари норматив-хукукий ҳужжатларнинг турлари сифатида назарда тутилмаган.

Бироқ ўрганилган айrim хорижий давлатларнинг прокуратура тўғрисидаги қонунчилигида ўша давлатнинг халқаро шартномалари прокуратура фаолиятининг хукукий асослари таркибиغا киритилган. Масалан, Россия Федерациясининг “Прокуратура тўғрисида”ти Федерал Қонуни 3-моддаси иккинчи қисмiga қўра, Россия Федерацияси прокуратурасининг фаолияти ҳам Россия Федерациясининг халқаро шартномаларига мувофиқ амалга оширилади. Давлатлараро органларнинг Россия Федерациясининг халқаро шартномалари қоидалари асосида уларни талқин қилишда Россия Федерацияси Конституциясига зид бўлган қарорлари Россия Федерациясида ижро этилиши мумкин эмас.

Грузиянинг “Прокуратура тўғрисида”ти Қонуни 5-моддасида ҳам прокуратура фаолиятининг хукукий асослари сифатида Грузия Конституцияси, Грузиянинг халқаро шартномалари ва келишувлари, мазкур Қонун ва бошқа хукукий ҳужжатлар эътироф этилган.

Худди шу каби, Қозоғистон Республикасининг 2022 йил 5 ноябрдаги “Прокуратура тўғрисида”ти Конституциявий қонунининг 10-моддасида прокурор назорати предметига Конституция, қонунлар, ратификация қилинган халқаро хукукий ҳужжатлар билан бир қаторда **мамлакат Президентининг хукукий ҳужжатлари** ҳам киритилганлигини кўриш мумкин.

Мисол учун, 1966 йил 16 декабрдаги Фуқаровий ва сиёсий хукуқлар тўғрисидаги халқаро пакт 11-моддасида ҳеч ким бирор-бир шартнома мажбуриятини бажара олмайдиган ахволда

бўлгани асосидагина озодликдан маҳрум этилиши мумкин эмас- деб белгиланиб, Ўзбекистон Республикаси мазкур пактга 1995 йил 31 августда қўшилган бўлсада, бугунги кунга қадар пахта ва ғалла етиширишга оид шартнома мажбуриятларини бажармаганлик важи билан кўплаб фермер хўжаликлари раҳбарлари жиноий жавобгарликка тортилмоқдалар.

Мисол учун, шартнома интизомига риоя этмаганлиги важи билан 2023 йилда 31 та ва 2024 йилда 23 нафар фермер хўжалиги раҳбарлари жиноий жавобгарликка тортилган.

Шу боис, келгусида “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуннинг 20-моддасига назорат предмети сифатида “халқаро хуқуқий хужжатларни” ҳам киритиш максадга мувофиқ.

Юридик адабиётларда ҳам давлатнинг халқаро шартномалари прокуратура фаолияти хуқуқий базасининг ажралмас қисми эканлиги ва қуйидаги иккита асосий гурухга бўлиниши ҳақида фикрлар илгари сурилади:

- 1) прокуратура фаолиятида қўлланиладиган қоидаларни ўз ичига олган халқаро шартномалар, конвенция, деклорация ва бошқа битимлар;
- 2) прокуратура органлари ва ташкилотларининг фаолиятини ташкил этиш ва тартибини белгиловчи нормаларни ўз ичига олган халқаро шартномалар.

Қоида тариқасида, ҳукуматлараро битимлар ва идоралараро тусдаги битимлар прокуратура фаолиятини хуқуқий тартибга солишга таъсир қилмайди, чунки прокуратура органлари ижро этувчи ҳокимият тизимига кирмайди, балки прокуратура идоралари учун маълум бир мазмундаги маълумот манбаи сифатида қизик бўлиши мумкин. Шу билан бирга, агар ушбу турдаги битимни амалга оширишда прокуратуранинг иштироки талаб этилса, прокуратура фаолиятини тартибга солишга ваколатли бўлган органлар прокуратура фаолиятига доир тегишли норматив-хуқуқий хужжатларни чиқаришлари мумкин (*масалан, Президент фармони, Бош прокуратуранинг хуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органлар, вазирликлар билан идоралараро келишувлари*).

Инсон хуқуqlари умумбашарий бўлиб, ҳар бир инсонга тегишли ҳисобланади (халқаро ҳамжамият барча инсонларни тенг хуқуқли деб тан олади), улар бўлинмас, ўзаро боғлиқ ва ўзаро ўхшашибди. Уларнинг кучи нафақат хуқуқий нормаларда акс этиши, балки универсал ахлоқий норма ва умуман қонунчиликнинг ахлоқий асоси деб ҳисболовчи олимларнинг фикрларидан келиб чиқиб, шуни таъкидлаш мумкинки, инсоннинг конституциявий даражада мустаҳкамлаб қўйилган мулқдор бўлиш хуқуқини амалга оширишни норматив жиҳатдан тартибга солиш умуминсоний талаблар асосида амалга оширилмоқда.

Кўриб чиқилаётган масала бўйича хорижий давлатлар қонунчилиги шуни кўрсатадики, масалан, ГФР, Россия ва Буюк Британиянинг асосий қонунларида фермер хўжалиги тўғрисида тўғридан-тўғри норма мавжуд эмас.

Хулоса қилиб, шуни таъкидлаш лозимки фермер хўжалигига оид қонунчилик ижроси устидан прокурор назорати самарадорлигини оширишда ушбу муносабатларни тартибга солувчи мустаҳкам норматив-хуқуқий базанинг мавжудлиги муҳим аҳамиятга эгадир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ти Қонуни // Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 2001 йил 29 август, 04.12.2019 й., 23.01.2020 й., 03/20/603/0071-сон.
2. Вестн. Моск. Ун-та. Сер. 11. Право. 2022. № 4 С. 39-61.
3. Настольная книга прокурора/ Под ред. С.И.Герасимова. М., 2002. С.209. Диссертация на тему: “Теоретические, правовые и организационные основы прокурорского надзора за исполнением законов о свободе экономической деятельности в Российской Федерации”. // <http://www.Dissercat.com>.
4. Гребенник А.И. Правовые основы и организация прокурорского надзора за исполнением законов в сфере образования в условиях дистанционного обучения/ А.И.Гребенник,-Текст: непосредственный // Молодой ученый.-2022.-№17 (412).- С.171-173.
5. Шибина А.В. Прокурорский надзор за соблюдением прав граждан на охрану здоровья // Диссер. на соис. учен. степ. канд. юрид. наук. -Москва, 2018. - 18 с.
6. ҚММБ, 09.08.2023 й., 03/23/860/0571-сон
7. Бош прокуратура СЕДО ахборот тизими, Бош прокурор буйруқлари тўплами.
8. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг Қишлоқ хўжалиги соҳасида қонунчилик ижроси устидан назорат самарадорлигини янада ошириш тўғрисидаги буйруғи. №160, 07.11.2017. Бош прокуратура СЕДО дастури, Ахборот тизимлари, Раҳбарий хужжатлар саҳифаси.
9. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 09.06.2021 й., 06/21/6243/0540-сон.
10. Олий Мажлис Ахборотномаси, 1998 й., 5-6-сон, 82-модда; «Халқ сўзи», 1998 й., 109-110 (1890-1891)-сон
11. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 й., 5-6-сон.
12. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 01.05.2023 й., 03/23/837/0241-сон
13. Федеральный закон от 17.01.1992 N 2202-1 (ред. от 01.07.2021) "О прокуратуре Российской Федерации" (с изм. и доп., вступ. в силу с 01.09.2021) //http://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_262/66d9005e3c5f7634606c91c694bbdbf31f83c4e6/
14. Закон Грузии “О прокуратуре”. Тбилиси, 21 октября 2008 года. <https://matsne.gov.ge/ru/document/download/19090/7/ru/pdf>

15. Конституционный закон Республики Казахстан О прокуратуре https://online.zakon.kz/Document/?doc_id=31771762
16. Баш прокуратура 2024 йил 10 июлдаги умумлашма материаллари.
17. Международные договоры Российской Федерации // https://studme.org/169063/pravo/mezhdunarodnye_dogovory_rossiyskoy_federatsii
18. Сайдов А.Х. Ўзбекистон Республикаси Конситуциясининг ривожланиши: миллий ва умумбашарийликнинг уйгулиги: ўзбек. француз ва рус тиларида. – Т.: Инсон хуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, 2011, – 96 б.; Инсон хуқуқлари умумий назарияси: ИИВ тизимидағи таълим муассасалари тингловчи ва курсантлари, шунингдек хуқуқни муҳофаза этувчи органлар ходимлари учун дарслик. Муаллифлар жамоаси // Масъул муҳаррир юридик фанлар доктори, профессор А.Х. Сайдов. - Т. , 2012. -13 б.
19. Германия Федератив Республикасининг 1949 йил 23 майдаги Асосий Конуни // URL: <https://www.booksite.ru/fulltext/1/001/004/082/index.htm>; Буюк Британиянинг конституция-вий хужжатлари URL: https://legalns.com/download/books/cons/united_kingdom.pdf